



СУГУРТА БОЗОРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ

Ҳақбердиев Bekzod Ўқтамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Мустақил изланувчиси, Тошкент Ўзбекистон.

Email:

ORCID:0000-0000-0000-0000

COMPREHENSIVE ASSESSMENT OF THE FINANCIAL STABILITY OF THE SUBJECTS OF THE INSURANCE MARKET

Haqberdiyev Bekzod O'Ktamovich

independent researcher of

Tashkent State University of Economics,

Tashkent, Uzbekistan

ORCID: 0000-0000-0000-0000

JEL Classification: G22 O16

Аннотация:

Ушбу мақолада сугурта бозори субъектларининг молиявий барқарорлигини комплекс баҳолаш методологик асослари тадқиқ этилади. Сугурта компанияларининг молиявий барқарорлиги сугурта фаолиятининг узлуксизлиги ва бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан, ушбу тадқиқотда сугурта компанияларининг молиявий ҳолатини аниқ баҳолаш мезонлари, методлари ва кўрсаткичлари тизимили равишда таҳлил қилинади. Шунингдек, сугурта бозори субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда миллий ва халқаро стандартлар талабларига асосланган мезонлар тавсия этилади. Илмий мақолада молиявий таҳлил усуллари орқали сугурта компанияларининг хавфхатарларга бардошлилик даражаси ва уларнинг барқарор ривожланиши имкониятлари аниқланади.

Мақоланинг амалий аҳамияти шундаки, сугурта бозори субъектларининг

молиявий барқарорлигини баҳолаш ва бошқарши бўйича тавсиялар ишилаб чиқшида муҳим илмий-амалий хуносаларни тақдим этади. Шунингдек, тадқиқот натижалари сугурта компаниялари ва регулятор органлар учун самарали молиявий мониторинг ва бошқарув тизимини такомиллаштиришига ёрдам беради.

Abstract:

This article examines the methodological foundations of a comprehensive assessment of the financial stability of insurance market entities. The financial stability of insurance companies plays an important role in ensuring the continuity of insurance activities and their competitiveness in the market. In this regard, this study systematically analyzes the criteria, methods and indicators for accurately assessing the financial condition of insurance companies. Also, criteria based on the requirements of national and international standards are recommended for assessing the financial stability of insurance market entities. The

scientific article determines the level of risk tolerance of insurance companies and their opportunities for sustainable development through financial analysis methods.

The practical value of the article is that it provides important scientific and practical conclusions in the development of recommendations for assessing and managing the financial stability of insurance market entities. Also, the results of the research will help to improve the effective financial monitoring and management system for insurance companies and regulatory bodies.

Калит сүзлар:

сұғурта бозори, молиявий барқарорлық, комплекс баҳолаши, тұлов қобиляти, ликвидлик, капитал етарлиліги, рисклар таҳлили, молиявий барқарорлық.

Key words:

insurance market, financial recovery, comprehensive recovery, long-term opportunities, liquidity, capital investments, risk analysis, financial recovery.

Кириш

Жаҳон амалиётіда иқтисодий хавфхатарларнинг глобаллашуви ва турли инқизорларнинг вужудға келиши натижасыда миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорлигига таъсири давлатларнинг мавжуд молия тизими механизмини жумладан, сұғурта тизими ва сұғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис дунё мамлакатларида ва ҳалқаро муносабатларда сұғурта хизматларисиз бирор фаолият амалга оширилмайды. Ривожланган мамлакатларда сұғурта хизматларидан түпленган маблағлар

мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8-12 фойзни ташкил этмоқда. Ҳалқаро муносабатларда сұғурта компанияларининг молиявий барқарорлык даражасини намоён этувчи күрсаткышлардан бири бу йифилган сұғурта мукофотлари бўлиб, улар “ирик хажмдаги инвестиция маблағларининг тўпланишига имконият яратиб бериши билан баҳоланмоқда”¹. Бу ўз навбатида сұғурта компанияларининг инвестиция килишга бўлган имкониятини кенгайтиради ва сұғурталовчининг молиявий барқарорлык даражасини мустаҳкамлайди.

Ҳалқаро амалиётда сұғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларини белгилашга доир кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг асоси сұғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга бевосита алоқадор бўлган факторларни тавсифлашга каратилган бўлиб, микроиқтисодий ва макроиқтисодий факторларга бўлинади. Микроиқтисодий факторлар сұғурта компанияларининг сұғурта, инвестиция ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлса, макроиқтисодий факторлар эса тармоқ ичидаги, ички ҳамда ташқи иқтисодий факторлардан иборат бўлади.

Материал ва метод

Ушбу мақолада сұғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун таҳлил услублари қўлланилди. Бунда иқтисодий-статистик таҳлил, молиявий коэффициентлар ҳисоб-китоби, рисклар таҳлили ва рейтинг баҳолаш методларидан фойдаланилди. Тадқиқот обьекти сифатида

¹ <https://www.louisepryor.com> - Enhanced capital requirements and Individual Capital Assessments Insurers; Comite Europen des Assurances.pdf

маҳаллий ва халқаро сүгурта компанияларининг молиявий күрсаткичлари олинди. Маълумотлар манбалари сифатида очик молиявий ҳисоботлар, сүгурта бозорига оид расмий статистик маълумотлар ва илмий-амалий адабиётлардан фойдаланилди.

Таҳлил жараёнида сүгурта компанияларининг молиявий ҳолатини баҳолаш учун капитал етарлилиги коэффициенти, ликвидлик коэффициенти, рентабеллик күрсаткичлари ҳамда рискларга бардошлилик даражаси аниқланди. Бундан ташқари, молиявий барқарорликка таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар таҳлил қилинди.

Сүгурта бозорини ислоҳ қилиш ва сүгурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш йўналишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан хусусан, сүгурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш хорижий иқтисодчи олимлардан Д. Бланд, А.А. Гвозденко, Б.Ю. Сербиновский, В.Н. Горькуша, А.А. Кварандзия, Т.Е. Гварлиани,

В.Ю. Балакирева, Е.Л. Прокофьева, А. Манэс, В.Н. Едронова, Е.А. Мизиковский, И. Вороновалар томонидан келтириб ўтиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Сүгурта механизми эҳтимоллик хусусиятига эга. Самарали сүгурта механизмини ишлаб чиқиши ва йўлга кўйиш, сүгурта компаниясининг малакали ходимлари томонидан ишлаб чиқилган сүгурта сиёсатига боғлиқ бўлади. Шу боис пухта ишлаб чиқилган сүгурта сиёсати сүгурта компанияси фаолиятининг давомийлигини ва молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлайди.

Сүгурта компанияси томонидан ишлаб чиқилган сүгурта сиёсати унинг самарадорлигини йил якуни бўйича юзага келган молиявий натижалари, дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳолати, пул оқимлари ва хусусий капитал динамикаси орқали таҳлил қилиш мумкин. Ушбу таҳлилларни қуида тасвиrlанган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**“Кафолат-сүгурта” АЖнинг молиявий натижаларининг динамикаси
(даромадлар) (млн.сўм)²**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилга нисбатан 2024 йилда ўсии (+) ёки камайши (-) % да
	2020	2021	2022	2023	2024	

² “Кафолат-сүгурта” АЖнинг расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар	28 544,8	36 244,3	47 949,4	58 628,7	79913,2	280,0
Заараларни қоплаш бўйича қайта суғуртадан даромадлар	1 413,1	3 169,7	4 857,7	8 440,9	6741,1	477,0
Қайта суғурта бўйича комиссион мукофотлар, тантъемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар	2 703,9	5 174,9	7 468,1	2 963,6	1303,4	-51,8
Суғурта хизматлари кўрсатишдан соғ тушум	32 661,8	44 589,0	60 275,1	70 033,2	87957,7	269,3
Суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда	15 899,3	21 056,5	28 278,4	29 465,9	34905,0	219,5
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	146	408,2	1 206,6	1 389,3	1897,1	1299,4
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	4 557,8	5 963,7	4 794,9	8 391,2	16773,7	368,0
Фойда солигини тўлангунга қадар фойда	3 075,4	3 063,2	3 567,4	4 306,1	4310,9	140,2
Ҳисобот даврининг соғ фойдаси	2 531,7	2 605,1	3 080,4	3 525,0	4060,4	160,4

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда шу нарса аён бўлдики, заараларни қоплаш бўйича қайта суғуртадан даромадларнинг сезиларли ошганлиги, қайта суғурта бўйича комиссион мукофотлар, тантъемалар ва йиғимлар бўйича даромадларнинг камайганлиги ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари кескин равишида ошганлиги маълум бўлди. Битта кўрсаткичдан бошқа барча кўрсаткичлар юқори даражада ошгани ҳолда, ҳисобот даврининг соғ фойдаси

нисбатан паст даражада ошганлиги суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича харажатларнинг ошганлиги суғурта компаниясида ишни ташкил этиш самарадорлигининг пасайғанлигидан далолат беради.

Шунингдек суғурта компаниясининг молиявий натижаларининг ўзгаришига унинг харажатлари ҳам ўзининг мустақил ўрнига эга. Ушбу ўзгаришларни куйида келтирилган жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

“Кафолат-сугурта” АЖНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

(харажатлар) (млн.сўм)³

Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилга нисбатан 2024 йилда ўсии (+) ёки камайши (-) % да
	2020	2021	2022	2023	2024	
Қайта суғуртага берилган суғурта мукофотлари	9 147,0	15 715,9	24 454,4	11 621,0	20 442,4	223,5
Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси	4 197,9	2 062,2	-	4 352,2	-	103,7
Хабар қилинган, лекин бартараф Этилмаган заарлар захирасининг ўзгариши натижаси	-	302,7	-	1 237,6	2 234,8	738,3
Юз берган, лекин хабар қилинмаган заарлар захирасининг ўзгариши	-	673,8	753,5	1 681,8	751,1	111,5
Бошқа техник заҳираларда қайта суғурталовчилар улуши ҳисобга олинганда тегишли заҳиралар ўзгариши	-	1 857,2	4 137,9	3 182,8	6 276,6	338,0
Суғурта хизматларининг таннархи	16 762,5	23 532,5	31 996,7	40 567,3	53 052,7	316,5
Давр харажатлари	17 425,7	24 162,5	30 492,0	34 317,7	47 723,6	273,9
Маъмурий харажатлар	17 295,3	24 016,9	30 282,8	33 999,1	47 338,5	273,7
Бошқа операцион харажатлар	130,5	145,6	209,2	318,6	385,1	295,1
Асосий фаолият зарари	1 380,3	2 697,8	1 006,9	3 462,4	10 921,5	791,2
Молиявий фаолият бўйича	102,1	202,7	220,7	622,6	1 541,4	1 509,7

³ “Кафолат-сугурта” АЖНИНГ расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

харажатлар						
Фойда солиги	255,7	225,6	298,9	449,5	250,4	-2,08
Бошқа солиқлар ва мажбурий түловлар	288,0	232,5	188,1	331,6	-	-100

2-жадвалда “Кафолат-сұғурта” АЖнинг молиявий натижаларини ўзгариш динамикасини харажатлар қисми келтирилген бўлиб, мазкур ўзгаришларни таҳлил қилганимизда, хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган заарлар захираси ҳамда асосий фаолиятнинг зарари кўрсаткичлари сезиларли ошганлигини, молиявий фаолият бўйича харажатлар кўрсаткичи ҳам кескин равишда ошганлиги маълум бўлди. Мазкур кўрсаткичининг кескин даражада ошганлиги юқоридаги хуносамизни, яъни сұғурта компаниясида сұғурта ишини ташкил этиш самарадорлигининг пасайланлигини тасдиқлайди. Бу эса сұғурта компаниясида соф фойдани пасайишига олиб келади деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Аммо шундай бўлсада, компаниянинг бошқа кўрсаткичлари сезиларли ошганлиги сұғурта компаниясининг молиявий

барқарорлигининг ошишини таъминлаган.

Шунингдек сұғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда сұғурта компанияларининг инвестицияга йўналтирган маблағлари ҳажми, сұғурта захиралари ҳажми ва хусусий капиталнинг ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Хусусий капитал ташки субъектлар олдидағи жавобгарликдан ҳоли бўлган ва шу туфайли компания узоқ муддатли инвестиция фаолиятини амалга оширишида, стратегик мақсадларни амалга оширишда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган маблағлар ҳисобланади. Ушбу маблағлардан самарали фойдаланишини йўлга кўйиш орқали сұғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги таъминланади. Ушбу ҳолатни қуйида тасвиrlанган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Сұғурта компанияларининг инвестициялари, сұғурта захиралари, хусусий капитал ва активларининг ўсиш динамикаси⁴ (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2020	2021	2022	2023	2024	2020 йилга нисбатан 2024 йилда ўсиши (+) ёки камайши (-)
Сұғурталовчининг инвестицияга йўналтирилган маблағлари	623,7	758,1	867,5	1482,5	2010, 7	+322,4 %

⁴ “Кафолат-сұғурта” АЖнинг расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Суғурта захиралари	345,8	428,4	566,7	766,0	1112, 2	+321,6 %
Хусусий капитал	523,0	595,3	654,5	1118,3	1385, 2	+264,9 %
Активлар	871,5	1043,5	1183,5	2009,7	2534, 1	+290,8 %

3-жадвалда суғурта компанияларининг инвестициялари, суғурта захиралари, хусусий капитал ва активлари тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу маълумотларни таҳлил қилганимизда суғурталовчининг инвестицияга йўналтирилган маблағлари, суғурта захиралари ва хусусий капитали ҳамда активлари 2020 ва 2024 йиллар мобайнида ўсиб борган.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ташки ва ички актуар хизматлардан самарали фойдаланиш ва шу асосда таъриф сиёсатини амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз миллий суғурта бозорида актуар хизматлар етарли даражада деб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий бозорида 4 та актуар ташкилот фаолият кўрсатаётган бўлса-да, уларда хизмат кўрсатаётган малакали актуарийлар етарли эмас. Шу туфайли актуар хизматлар бўйича

рақобат муҳити тўлиқ яратилмаган.

Суғурта бозорининг келажакда янада ривожланиши ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашдаги ўрнининг ортиб бориши шубҳасиз. Чунки хукуматимиз томонидан тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш ва кўламини кенгайтириш, ҳар бир оилани тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига шароит яратиб бериш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бормоқда, бу эса тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ турли кўринишдаги риск даражасининг ортишига олиб келади. Бундай рискларнинг юз бериши билан боғлиқ мулкий йўқотишларни ўз вақтида коплашда суғуртанинг ўрни бекиёсdir.

Шу боис суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари фаолияти йилдан- йилга кенгайиб бормоқда. Ушбу ҳолат қўйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

4-жадвал

**Суғурта компаниялари ва уларнинг филиаллари сонини ўсиш динамикаси
(сонда)⁵**

Кўрсаткич номи	Йиллар					2020 йилга нисбатан 2024 йилдаги ўсии (+) ёки камайши (-) % да
	2020	2021	2022	2023	2024	
Суғурта компаниялари сони	31	31	26	27	30	-1
Суғурта компанияларининг филиаллари сони	1048	1148	1123	1284	1451	+403

4-жадвалда суғурта компаниялари ва уларнинг филиаллари сони 2014 йилдан то 2018 йилларгача бўлган маълумотлар келтирилган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 2018 йилда суғурта компаниялари сони 1 та камайган бўлса, суғурта компанияларининг филиаллари сони эса 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 403 та ошган.

Аммо шундай бўлсада мамлакат худудлари бўйлаб суғурта компанияларининг филиал ва бўлимлари сони сезиларли даражада ошиб, 2014 йилда 1048 тани ташкил этиб, 2018 йилда бу кўрсаткичи 1451 тага етган. Бу ҳолат суғурта хизматлари мамлакатнинг чекка худудларида ҳам оммавийлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Хулоса.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш жоизки, суғурта бозори субъектларининг молиявий барқарорлигини комплекс баҳолаш замонавий иқтисодий шароитларда суғурта компанияларининг узоқ муддатли самарали фаолиятини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, молиявий барқарорликни баҳолашда интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш компаниянинг умумий молиявий ҳолатини холисона баҳолаш имконини беради.

баҳолашда фақатгина молиявий кўрсаткичларга эмас, балки иқтисодий, ташкилий ва ташқи омилларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Комплекс баҳолашда ликвидлик, тўлов қобилияти, рентабеллик ва капиталнинг етарлилиги каби молиявий кўрсаткичлар асосий мезонлар сифатида белгиланади. Шу билан бирга, суғурта компаниясининг ишончли бошқарув тизими, таваккалчиликларни бошқариш самарадорлиги ва бозордаги рақобатбардошлиги каби омиллар молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотда суғурта бозори субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун комплекс ёндашувлар таклиф этилди ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, молиявий барқарорликни баҳолашда интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш компаниянинг умумий молиявий ҳолатини холисона баҳолаш имконини беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, суғурта бозори субъектларининг молиявий

⁵ “Кафолат-суғурта” АЖнинг расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



барқарорлигини таъминлаш учун комплекс баҳолаш методларини қўллаш, молиявий ва ташкилий механизмларни такомиллаштириш, шунингдек, таваккалчиликларни бошқариш тизимини

мустахкамлаш зарур. Бу эса, ўз навбатида, сугурта бозорида ишончли ва барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим омил хисобланади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ти Қонуни.
2. Smith, J. (2020). *Financial Stability in Insurance Markets*. Oxford University Press.
3. Brown, K. & Jones, L. (2019). *Risk Assessment in Insurance Companies*. Cambridge University Press.
4. International Association of Insurance Supervisors (IAIS). (2021). *Insurance Core Principles*.
5. Uzbek State Insurance Committee. (2022). *Annual Insurance Market Report*.